O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
NAVOIY SHAHAR
HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
ГОРОДА НАВОИЙ
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. A.Temur 4
"26" 01 2018 y.(r)

г. Навои ул. А.Темур 4
№ К-97/01

Шаҳардаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари ва "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) талабларидан келиб чиқиб, шаҳарда 2018 йил қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

КАРОР ҚИЛАМАН:

1.Шаҳарда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш туман ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2."Давтехназорат" инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспектори (А.Хайитмуродов)га:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юбориш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун шаҳар ҳокимлигига юбориш;

техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 345-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилиш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Навоий зиёси" газетасида расман эълон қилинсин ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Шаҳар ҳокими **У.Халилов**

QARORLAR UCHUN

NAVOIY SHAHAR HOKIMLIGI
ASLIGA TO'G'RI
IMZO
2018 "18" 05

Навоий шаҳар ҳокимининг
2018 йил
- сонли қарорига

1-илова

Навоий шаҳрида 2018 йилда кузакги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси

№	Техника номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1	Хайдов трактори	Магнум, Арион-630, ТС-135, ВТ-150 ва бошқа русумдаги хайдов трактордари	09.00 - 16.00	Навоий шаҳридаги корхона ва ташкилотлар	02.10.2018
2	Чопиқ тракторлари	ТТЗ-80.11, МТЗ-80, ТТЗ-100-11	09.00 - 16.00		15.03.2018
3	Транспорт тракторлари	МТЗ-82, ТТЗ-80-10, Т-28х4МСІ	09.00 - 16.00		15.08.2018
4	Трактор тиркамалари	2ПТС-4-793 А	09.00 - 16.00		15.08.2018
5	Ғалла ўриш комбайнлари	Кейс, Класс	09.00 - 16.00		02.04.2018
6	Культиваторлар	КХУ-4	09.00 - 16.00		20.03.2018
7	Мелиоратив техникалар	ЭО-652, ЭО-4111, ЭО-3211, SAMSUNG, HYUNDAI, DOOSAN	09.00 - 16.00		01.06.2018
8	Пахта экиш сеялкалари	Кейс, СИХ-4Б	09.00 - 16.00		15.03.2018
9	Ер текислагичлар	П-4	09.00 - 16.00		17.03.2018
10	Омочлар	ПЯ-3-35, айланма ва икки ярусли омочлар,	09.00 - 16.00		02.10.2018
11	Чизеллар	ЧКУ-4	09.00 - 16.00		17.03.2018
12	Тишли бараналар	БЗ-1.0, дискли бороналар	09.00 - 16.00		18.03.2018
13	Пушта олгичлар		09.00 - 16.00		18.03.2018
14	Пуркагичлар	ОВХ-660, ВП-1	09.00 - 16.00		26.03.2018
15	Минерал ўғит сепгичлар	НРУ-0.5	09.00 - 16.00		26.03.2018
16	Ўт ўргичлар	Кир-1.5	09.00 - 16.00		20.04.2018
17	Юклагичлар	LW-500F XG-955H	09.00 - 16.00		01.06.2018
18	Ғалла экиш сеялкалари	СЗ-3.6, Джмкен	09.00 - 16.00		10.06.2018

Вилоят "Давтехназорат" инспекцияси
бошлиғи ўринбосари
М.Саидов